

# **ҚУЙИ АМУДАРЁ МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНГАНЛИГИ ГАСТРОНОМИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

**Матчанова Айбиби Эркиновна  
УрДУ**

**Аннотация:** Уибу мақолада Қуий Амударё минтақасида гастрономик туризмни ривожлантириши ва мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш масалалари ўрганилган. Айнан минтақага хос миллий таомлар ва уларнинг турлари ўрганилиб худудлар бўйича тақсимланган. Минтақада гастрономик туризмни ривожлантириши учун тавсиялар ишилаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** гастрономик туризм, гастрономик бренд миллий таом, дастурхон маданияти, туристик ресурс, хорижий турист, туризм салоҳияти, гид-таржимон

## **THE DEVELOPMENT OF TOURISM INFRASTRUCTURE IN THE LOWER AMUDARYA REGION IS AN IMPORTANT FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF GASTRONOMIC TOURISM**

**Aybibi Erkinovna Matchanova  
Urgench State University**

**Abstract:** This article examines the development of gastronomic tourism in the Lower Amudarya region and the effective use of available resources. It is the regional national dishes and their types that are studied and distributed by region. Recommendations for the development of gastronomic tourism in the region have been developed.

**Keywords:** gastronomic tourism, gastronomic brand, national food, table culture, tourist resource, foreign tourist, tourism potential, guide-interpreter

**Кириш.** Эслатиш жоизки, гастрономик экспедицияларнинг мақсади - маълум бир мамлакат ошхонасининг ўзига хос хусусиятларидан баҳраманд бўлишdir. Шу билан бирга, ушбу мақсад ноёб, екзотик таомларни истеъмол қилиш ёки сон-саноқсиз идишларни таътиб кўриш билан чекланмайди. Ушбу турдаги туризмнинг аҳамияти асрлар давомида маҳаллий халқнинг урф-одатлари ва менталитети билан боғлиқ ҳолда таомларнинг пишириш маданиятини сингдириб келган маҳаллий рецептдан баҳраманд бўлиш билан узвий боғлиқдир [1].

Қорақолпоғистон худуди қадимги маданият ўчиғларидан бири бўлиб, Шарқ дунёсининг ажralmas қисмини ташкил этган. Бу ўлканинг ўзига хос табиий шароити, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, шу билан бир қаторда миллий пазандачилик анъаналари ва урф одатлари энг қадимги аждодларимизнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилган. Қорақалпоқ миллий ошхонаси кўпинча ун ва ёрмадан тайёрланган таомлардан ташкил топган. Уларнинг орасида жугар унидан тайёрланган гўштли узма хамирбешбармоқ, жугари ва мой куртик, корма ва турара таомлари машҳурдир. Амударёга ёндош қирғоқ бўйидаги худудларда деярли барча таомлар балиқдан тайёрланади. Уларнинг орасида жугар ёки тариқ унидан тайёрланган узма хамирли балиқ шўрваси ёки қовурилган ва қуритилган

балиқ машхур хисобланади. Турли мевалар, қовун, тарвуз ва қовоқ қуритилиб, ширинлик сифатида танаввул қилинади [5].

Хоразм вилояти эса Ўзбекистондаги сайёҳлик марказлари орасида ўзининг қадимги тарихи ва маданияти, ўзига хос пазандалиги билан ажралиб туради.

Маълумки, табиатда мавжуд ўсимликларнинг кўпчилик турлари озиқ-овқат сифатида ишлатилиши мумкин. Хоразмликлар ҳар бир ўтдан, сувдан, ердан ва қумдан, шунингдек қуёш нури, қор ва ёмғирдан донолик, махфий маъно ва шифобаҳаш фазилатлар излайди. Хоразм ошпазлик санъатининг ривожланишига нафақат ҳалқ тажрибаси, балки олимлар - даволовчиларнинг асарлари ҳам катта ҳисса қўшди. Масалан, кўплаб асарларда, жумладан Абу Райхон Берунийнинг "Седан", Абулғози Баҳодирхоннинг доривор ўтларга бағишлиланган "Манфаи ал-инсон", уларнинг айрим касалликларни даволашдаги хусусиятлари, Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" ва бошқа китобларда Хоразм таомлари ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд [3]. Бугунги кунда Хоразм таомларини ҳар томонлама ўрганиш ва кўриб чиқишига эҳтиёж бор. Ҳозир воҳани, туризм соҳаларини, айниқса гастрономик, зиёратгоҳ, экологик, агротуризм ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга ва обод қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

**Асосий қисм.** Хоразм ўзининг ихтисосликлари ва пиширишнинг маҳсус усуллари билан машхур. Ҳар бир таомнинг ўзига хос таъми бор, айниқса "Хоразм палови", "Тухум барак", "Шивит оши", "Ун оши", "Кўк барак", қовурилган балиқ ва бошқалар.

Хоразм қовунлари ўзининг хушбўй ҳиди ва ширинлигидан ташқари, соғлиқ учун жуда кўп фойдали витаминаларга бой. Вилоятда қовуннинг Ала-хамма, гурвак, ак-кош, алмурти, гулоби каби қишки навлари ва оқноввот, хоразм, торлама, гўкча каби ёзги навлари билан машхур. Араб сайёҳи Ибн Батута (1304-1377) XIV асрда Хоразм қовунлари ҳақида ҳайрат билан ёзган эди: "Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам Хоразм қовунларига ўхшаш қовунлар йўқ. У бўлакларга бўлинниб, қуёшда қуритилади, саватларга солинади ва Хитой, Ҳиндистоннинг узоқ шаҳарларига олиб кетилади. Барча қуритилган мевалар орасида ундан яхшироқ нарса йўқ" [2].

Тадқиқот натижасида Қўйи Амударё минтақасида худудлар географик ўрнининг умунийлиги (яқинлиги); табиий, тарихий - географик хусусиятларинг ўхшашлиги; худуднинг хўжалиги, аҳолининг турмуш тарзи, анъаналаридаги яқинлик; тарихан сақланиб келаётган таом турлари, уларнинг тайёрланиш усулларининг умунийлиги ўрганилиб чиқилди.

Айрим таомларнинг айнан қайси худудда тайёрланиши ва истеъмол қилиниши қуидаги жадвалда берилди (1-жадвал).

### **1- жадвал**

#### **Қуий Амударё минтақасига хос айрим таомлар**

<b>№</b>	<b>Таом номи</b>	<b>Энг кўп тайёрланадиган ва истеъмол қиласидиган худудлар</b>	<b>Изоҳ</b>
1	Палов	Районнинг барча туман ва шаҳарларида тайёрланади.	Палов – асосан районда етишириладиган гуручдан (лазер, аланга) тайёрланади.
2	Тухум барак	Хоразм вилоятининг барча худудларида тайёрланади.	Тухум барак кадимий ва қувват бағишловчи товук тухумидан тайёрланадиган хамирли, мазали таом.
3	Гўмма	Юртимизнинг барча жойларида, асосан Хоразмда тайёрланади.	Гўмма – сўлли гўшт билан тўлдирилган мазали ва иштаҳа очадиган, мол гўшти ва буйрак ёғидан қовуриб тайёрланган таом бўлгани учун ошқозоничак ва жигар хасталикларида эҳтиётлик билан тановул қилиш керак.
4	Қовоқ барак	Хоразм вилоятининг барча худудларида тайёрланади.	Қовоқ барак - куз ва қиш ойларида севиб истеъмол қилинади. Таом айниқса кексаларга, хомиладор аёлларга, дармонсизликда, айрим bemorларга тавсия этилади.
5	Кўк барак	Районнинг барча худудларида тайёрланади.	Кўк барак - эрта баҳорда беда янги япроқ чиқарганда тайёрланади. Таом дармонсизликда, жисмоний иш билан шуғулланганда наф беради. Кучли ва сермой бўлгани учун кўп миқдорда ейиш тавсия қилинмайди.
6	Ижкан	Асосан Хоразм вилояти Хива шаҳрида севиб истеъмол қилинади.	Ижкан – Хоразм миллий таоми. Хоразм ошхонаси хом гўштни деликатесга айлантира олган дунёдаги кам сонли ошхоналардан бири бўлади. Бу рўйхатда яна Франция, Эфиопия каби машҳур ошхоналар ҳам бор.
7	Шивит опи	Хоразмнинг барча худудларида тайёрланади	Шивит оши - Хоразмча лағмон, яшил лағмон номлари билан дунё таомномасига киритилган бўлиб, ёзнинг жазирама кунларидағи энг тансик ва дармондориларга бойлиги билан бошқа шу турдаги овқатлардан фарқ қиласиди.
8	кургук	Қорақолғистонда ва Хоразм вилоятининг Гурлан туманида севиб истеъмол қилинади.	Ўз номи ўзи билан ушбу тансик таом макка ёки оқжўхори унидан тайёрланади. Парҳезлик хусусиятига келганимизда шуни айтиш керакки, бунда таом тивитлари, яъни клетчатка кўп бўлиб ичакларни юриштиради.
9	Қорма	Қорақолғистоннинг барча худудларида тайёрланади.	Бу таом асосан балиқ маҳсулотларидан ва буғдойдан тайёрланади.

**Изоҳ: жадвал муаллиф томонидан тузилган.**

Тарихий ассимляция жараёнлари хоразм дастурхон маданияти ва таом тайёрлаш анъаналарига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Айниқса туркманлар ва қорақалпоклар таом тайёрлаш анъаналарида ва меҳмон кутиш одатларида умумийлик кузатилади. Масалан, меҳмон келганда ҳар бир меҳмоннинг олдига алоҳида чойнакка чой дамлаб келиб қўйиши ва меҳмон ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, қуйиб ичмаса ортиқча манзарат кўрсатмаслиги ёки дастурхондаги нонни ушатиб қўймаслиги каби ҳолатлар деярли бутун Қуи Амударё худудига хос[4].

Хоразм воҳасида хамирдан тайёрланадиган анъанавий таомларнинг ўрни бекиёс бўлиб, номланиши ҳам қадимиyllиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Бундай таом номларига қуидагиларни киритиш мумкин: уноши, шивит оши, сиқмон, курдик ва бошқалар.

**Уноши.** Ушбу таом фойдали хусусиятларга эга бўлиб, юрак-қон томир ва модда алмашув хасталикларига чалинган кишиларга, ошқозон-ичак, жигарнинг сурункали хасталикларида енгил ҳазим бўлиши билан фойдалидир. Уноши масаллиғига кўра: қатиқли уноши, “товуқ эт” (товуқ гўшти) солинган уноши ва “қоқ арикли” (қуритилган ўрик) уноши каби турларга бўлинади. Меҳмондорчиликка оддий уноши қилинади, қатиқли ёки ўрикли уноши тайёрланмайди ва гўшт ўрнига асосан қиймали тифтел солинади, картошка солинмайди [2].

### **Хулоса ва таклифлар.**

Қуи Амударёда қолаверса, мамлакатда гастрономик туризмни ҳудудлар бўйича ривожлантиришда туризм саноати ва туризм инфраструктурасини яхши йўлга қўйиши зарурдир. Бунинг учун қуидагиларни амалга ошириш зарурияти юзага келади:

- туристларни келиши, жойлаштирилиши ва кетишини қатъий назоратга олиш, туристик компаниялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ресторонлар фаолиятини компания даражасида улар “бренди” ни яъни хизматлар сифатини оммалаштириш;

- Қуи Амударё минтақасида меҳмонхоналар ва ресторанлар сонини кўпайтириш, хизматлар сифатини ошириш ҳамда кафолатлаш:

- Қуи Амударё минтақасида туристларни транспортда ҳаракатланишини кескин яхшилаш, транспортларга хизмат кўрсатишиш “кемпинг”ларини кўпайтириш, улар мажмуалари таркибида овқатланишга хизмат кўрсатишиш сифатини ошириш;

- Қуи Амударё минтақасида мавсумий гастрономик туризмига хизмат кўрсатишида мослаштирилган микроавтобуслар сонини кўпайтириш, Ўзавтосаноат корхоналарида шундай микроавтобусларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши;

• Қуи Амударё минтақасида ва бутун Ўзбекистонда ички гастротуризмни ривожлантиришга кўпроқ аҳамият бериш лозим. Ички гастротуризмнинг (гастротуризм) етарли тарзда риважланмаганлиги аҳоли молиявий маблағларининг чекланганлиги, ижтимоий туризмини талаб даражасида ривожланмаганлиги, ички гастротуризмни ривожлантиришга йўналтирилган давлат дастурини такомиллаштириш назарда тутилади.

Гастрономик туризм билан туризм ўртасидаги алоқани яна ҳам чукурлаштириш кўп жиҳатдан биринчи соҳа хизматларини кенг тарғиб қилишга боғлиқ. Бу айниқса ноёб тайёрлаш усулларига асосланган маҳаллий таомларга биринчи галда таалуқлидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Н.Ибрагимов. Ибн Батута и его путешествия по Средней Азии. Главная редакция восточной литературы издательства “Наука”.1988г.
2. Н.М.Маткаримова Хоразмнинг анъанавий таомлари (Монография-альбом)//Журнал “Школа науки” №8-2(33) 2020г. Стр.33.
3. Nurjonov K., Ko‘hna va Yangi Urganch, Urganch, 1993
4. Сайт World Tourism Organization UNWTO. [Электронный ресурс].  
–Режим доступа:<http://media.unwto.org/ru/press>
5. Жабборов И.Жаҳон этнологияси асослари.Т.: Ўқитувчи нашриёти.2008й.
6. Что такое гастрономический туризм. Электронный ресурс. – Режим доступа:<http://www.gastrotur.ru/gastronomicheskiy-turizm/chto-takoegastro-turizm>. Заглавие с титульного экрана.
7. Komilova N. K., Latipov N. F. (2022). Classification of settlements on the basis of the ecological situation in the Navoi region and the factors affecting the health of the population. Visnyk of V. N. Karazin Kharkiv National University, series "Geology. Geography. Ecology", (56), 209- 213.  
<https://doi.org/10.26565/2410-7360-2022-56-15>
8. Kalonov, B. H., & Latipov, N. F. (2021). Characteristics Of Geographical Location Of The Population Of Navoi Region. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 25(2), 477-479.
9. Ugli, L. N. F. (2019). Geourbanistic's role in socio-economic geography. *International scientific review*, (LXV), 47-50.
10. Karshibaeva, K. N., Kahramonova, Z. D., & Normurod Faxriddino'g'li, L. (2022). Some problems with creating a medical-geographical atlas map of Uzbekistan. *International journal of early childhood special education*, 5836-5840.